47 (429)
2004 йил 17 ноябрь
Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2 ▶ Тўғри ташвиқот адолат мезони
▶ "Мактабга табиий газ келди..."

3 ▶ Рамзиддин полвон эди, паҳлавон бўлди!
▶ Келинни кўру ...қайнонага баҳо бер

4 ▶ "Фақарот ул-орифин"да орифлар сўзи бор...
▶ Мастон хола "Алпомишнинг энаси"ми?

сахифага

18 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун

ОЗОД ЭЛНИНГ МУҚАДДАС БАЙРОҒИ



Бундан ўн уч йил муқаддам мустақил Ватанимизнинг давлат байроғи қабул қилинган эди. Ўн уч йилдирки, у мамлакатимиздаги ташкилот ва идоралар қатори далатимиз аъзо бўлган нуфузли халқаро ташкилотлар пештоқида ҳам ҳилпираб турибди.

1991 йил 18 ноябрь куни Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисидаги қонунга имзо чекди. Унда байроғимиз мамлакатимиз суверенитети рамзи экани алоҳида таъкидланган.

Бугун у Ўзбекистоннинг чет мамлакатлардаги элчихоналари узра Ватанимиз ва халқимизнинг ёрқин тимсоли бўлиб балқмоқда. Халқаро спорт мусобақаларида ғолиб бўлган юртдошларимиз шарафига байроғимиз баланд кўтарилганида ўзини Ўзбекистон фарзанди деб билгувчи ҳар бир кишининг қалбида ғурур ва ифтихор туйғулари жўш уради. Зеро, Ватан байроғи унинг ўзи каби азиз ва муқаддасдир.

Байроқ қадим-қадимдан Ватан озодлиги, миллат бирлиги ва ғалабаси тимсоли бўлиб келган.

Байроғимиздаги ҳар бир ранг ва белгида халқимизнинг асрий анъаналари, миллий қадриятларимиз акс этган. Мовий ранг азалдан куч-қудрат, тинчлик, тенглик, беғуборлик, донишмандлик тимсоли саналган. Оқ ранг поклик ва фаровонлик, халқимизнинг бағрикенглиги ва оққўнгиллиги ифодаси. Яшил ранг яшариш ва янгиланиш тимсоли. Қизил чизиқлар томирларимизда жўшиб оқаётган ҳаётий қудрат — мангулик ифодасидир. Байроғимиздаги ярим ой ва юлдузлар тасвири озодлик, барқарорлик, келажакка ишонч, иймон-эътиқод тимсолидир. Шарқда ўн икки рақам мукаммаллик рамзи саналган. Байроғимиздаги ҳилол ва ўн икки юлдуз ҳам ўзига хос теран маънога эга.

...Мусаффо осмонимиз узра мағрур ҳилпираётган байроғимиз юракларда ҳаяжон ва ғурур уйғотади. Зотан, у ҳар бир ватандошимиз учун Ватан ва Миллат бирлиги, ифтихори ва ҳурлиги рамзидир. Уни мудом эъзозлаш барчамизнинг қонуний, виждоний бурчимиздир.

Рустам ЖАББОРОВ,
ЎзА шарҳловчиси

Муштарий эътирофи

"Қудратимизга шак-шубҳангиз бўлса, биз барпо этган иншоотларга боқинг", деган эди бундан етти аср муқаддам яшаб ўтган буюк аждодимиз Амир Темур.

ОЗОД ЮРТНИНГ БУГУНИ

Ўзининг давлатни бошқариш санъати билан Ғарб ва Шарқни лол қолдирган соҳибқироннинг бу сўзлари орадан шунча давр ўтса ҳамки, ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Бугун ҳам Ўзбекистон улкан қурилишлар майдонига айланган. Истиқлол шарофати билан Юртбошимиз бошқошлигида амалга оширилаётган ушбу бунёдкорлик ишларини бобокалонимиз бошлаган хайрли анъананинг давоми сифатида баҳолаш мумкин.

Шунингдек, келажагимиз бунёдкорлари бўлган ёш авлод таълим-тарбияси масаласи ҳам давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Айни пайтда хорижий мамлакатлардаги нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ёшларимиз замон талаблари даражасида юксак билимга эга бўлиб, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Тошкентимиз кўчаларини бир кезайлик-а... Шаҳарга бундан икки-уч йил муқаддам кéлган киши унинг янги қиёфасини танимай қолиши шубҳасиз. Янги завод ва фабрикалар, қўшма корхоналар, обод иншоотлар... Уларнинг бари фаровонлик нишонаси. Халқимизнинг тинч ва осойишта турмуш кечираётганидан далолат.

Равон кўчаларни кезар эканман, Ўзбекистонимизнинг ана шундай гўзал диёр ва дунё тан олаётган қудратли мамлакат эканлигига яна бир бор ич-ичимдан амин бўлдим. Кўз ўнгимда барча соҳаларда жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари билан рақобатлаша оладиган юртимиз тимсоли жонланди. Ҳа, бугун давлатимиз дунёда ўз ўрнига эга. Зеро, юртбошимиз айтганидек, "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!".

Шаҳноза ТУРСУНОВА

МУСТАҚИЛ НОМЗОДЛАР ВА САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ

*** Текин эфир вақти ва босма майдони қанча?**
*** Пулли эфир вақти ва босма майдони-чи?**
*** Партиялар ва ташаббускор гуруҳлари номзодлари ташвиқотида фарқ борми?**

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳамда Сенатни шакллантириш юзасидан Марказий сайлов комиссияси ўзининг уч босқичдан иборат Ҳаракатлар дастури доирасида сайловолди кампаниясига бағишланган халқаро конференциялар ва семинарлар туркумини ташкил этаётгани нафақат миллий, балки хорижлик мутахассислар эътирофига сазовор бўлмоқда. Ушбу анжуманларда БМТТД, ЕХҲТ, МДҲ, Конрад Аденауэр ва Фридрих Эберт жамғармалари, АҚШ юристлари уюшмаси каби халқаро ташкилотлар, хорижий демократик институтлар экспертлари, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония, Италия, Польша, Ҳиндистон, Россия, Украина, Қирғизистон каби кўплаб мамлакатлардан дипломатлар, сайлов қонунчилиги бўйича мутахассислар фаол иштирок этаётгани ҳам шундан далолат беради. 18 ноябрь куни Тошкентда – Халқаро бизнес марказида Сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайлов кампанияси доирасидаги фаолиятига бағишлаб ўтказиладиган халқаро анжуман ҳам шундай муҳим тадбирлар сирасига киради.

Қуйидаги мақола ана шу анжуманда муҳокама этилиши мўлжалланаётган мавзулар билан ҳамоҳанглиги боис, уни эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.

Аввало шуни қайд этиш жоизки, оммавий ахборот воситаларининг сайловолди ташвиқоти жараёнидаги фаолиятига дахлдор бирламчи принцип – тенглик тамойилидир.

Сайлов тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ, сайловда иштирок этадиган барча номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари сайлов кампанияси жараёнида ўз ташвиқотини олиб боришда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишлари, радиоэшиттириш, телекўрсатувларда сайловолди дастурлари билан чиқишлари учун тенг ва адолатли шарт-шароит яратилади. Зеро, бу борадаги тенглик сайлов жараёни холис ва ҳаққоний, демократия руҳида ўтишининг гарови ҳисобланади.

Депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари сайловолди ташвиқотини ўтказишнинг шакли, усуллари ва мазмунини мустақил белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши тартиби тўғрисидаги низомда қайд этилишича, Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида ҳар бир давлат телевидениеси ва радио эшиттириш ташкилоти томонидан депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга, сайловчилар ташаббускор гуруҳларига ажратиладиган текин эфир вақтининг умумий миқдори ҳафтасига 40 минутни ташкил қилиши керак.

2-саҳифада

Муштарий ўйлари

ЭЪТИҚОДИМИЗ СУСТ БЎЛМАСИН!

Аллоҳга минг бора шукур, юртимиз мустақил бўлиб, халқимизнинг ҳаётбахш қадриятлари ўзига қайтди. Айниқса, Юртбошимизнинг алоҳида эътибори ва ғамхўрлиги туфайли бундай қадриятларга, халқимизнинг имон-эътиқодига айланиб қолган диний урф-одатларимизни амалда бажаришга нафақат эркинлик берилди, балки қатор қўшимча имкониятлар яратиб берилди.

Куни кеча мамлакатимиз мусулмонлари бутун дунё мусулмонлари қаторида (ҳатто баъзи мусулмон аҳоли яшовчи мамлакатлардан яхшироқ имкониятда) Рамазон ойини ўтказиб, Ийд рамазон байрамини нишонладилар. Тўғриси, бу байрамга нисбатан халқимизнинг фикри ижобий томонга ўзгариб бораётгани бу галги байрамда янада яққолроқ сезилди. Юртдошларимиз бу байрам фақатгина марҳумлар хонадонида таъзия тадбири ўтказиш, келин тушган хонадонларда ортиқча расм-русумлар уюштиришдан иборат, деган хато фикрдан қутулиб, диний нуқтаи назардан тўғри талқин қилинган ҳолатида, яъни кенг қамровли, хушкайфиятли байрам тарзида нишонладилар. Бу каби кўнгилли ҳолатларни эътироф этиш яхши, айни пайтда бу борада баъзи бир меҳр-оқибатли халқимизга хос бўлмаган ҳолатлар ҳам борки... Келинг, бир йўла гапнинг индаллосига ўтайлик.

Рамазон ойида бозорларимиздаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёр таомларнинг нархига эътибор бердингизми? Шундай маҳсулотлар билан савдо қилувчи ҳамюртларимиз шу маҳсулотлар нархига тегишли ҳеч бир сабабсиз, яъни одамларнинг харид қилиш заруриятидан келиб чиқиб нархини ошириб қўйдилар. Бундай маҳсулотлар рамазон ойи бошланиши арафасида ва унинг дастлабки кунларида роса кўтарилиб кетди. Ҳатто, бозор ошхона ёки қўлбола сотув жойларида эрталабда қўйилган нарх кечга бориб, яъни ифторлик вақтида янада ошиқроқ айтилди. Сабабини сўрасангиз "Ҳа, энди, рамазон ойида" дейди. Ҳатто, бу гап билан одамларнинг шу ойдаги эҳтиёжидан бир фойдаланиб қолаяпмиз, деган ўйини баён этиб қўяётганини яширишмайди.

Рамазон туфайли одамларнинг зарурияти кўпайишидан фойдаланиб қолиш ниятини Тошкент Отчопаридан турли вилоятларга одам ташиб даромад қилаётганлар асло яширишмайди. Қашқадарёнинг Чироқчи туманидан келган меҳмонимиз арафа кунида уйига қайтишга ахд қилди. Мақсад — Рамазон байрамида уйида бўлиш, байрам тадбирларини

баробар оширишибди. Улардан бирига яқинлашиб, бундан икки кун олдин шу меҳмонимиз бугун айтилаётган нархининг ярмини тўлаб келганини, бунинг устига йўл ҳақини ошиши учун ҳеч бир сабаб йўқлигини айтсак, ҳалиги мижоз ахтараётган одам нима дейди денг: "Бугун арафа, ака, ҳамма уйига етиб бориши шарт, шунинг учун айтганимизга кўнади-да". Буни қарангки, уларнинг ҳаммаси гапни битта қилиб олишган экан. Нарх шундай. Шунда биз ҳам гапни битта қилдик, биздан кетган ортиқча пул шу одамнинг яхши кунларига ишлатилсин, бизга савоби тегади, дея меҳмонни "Нексия"га ўтқаздик.

Бизга маълумки, рамазон ойида мусулмон аҳли борки, фақат бир-бирига яхшилик, савоб ишлар қилган. Нарх-навони ошириш нари турсин, ҳатто икки бир-бирига душман мамлакат урушни тўхтатиб, ярашиб кетган. Фақат ҳеч ким бу йўлда ўз манфаати йўлида фойдаланмаган. Бир қаранг, ҳукуматимиз, Юртбошимиз диний эътиқодларимиз рўёби учун қандай имкониятлар яратмоқда, савобли, хайрли ишларни қилмоқда. Биз — Ватандошлар ҳам бундан ўрнак олсак-чи?

Бу гапларни айтиш нега керак? Бу гап билан рамазон ойини, байрамни кўнгилдагидек ўтказган юртдошларимизнинг кўнглини хижил қилиш ниятимиз йўқ. Фақат юқоридаги ҳолатлар юртимизнинг, юртдошларимизнинг асл қадриятига, асли мусулмончиликка, мос эмаслигини эслатиб ўтмоқчимиз.

"Mahalla"
муштарийси

"Mahalla" хабарлари

Қорақалпоғистон Республикаси

УСТЮРТ УЗРА ДАСТЛАБКИ КЎПРИК

"Буюк Ипак йўли"нинг узвий қисми — Устюрт платоси узра жадал суръатларда қурилаётган "Кўнғирот—Бейнеу" йўналишидаги асфальт йўлда дастлабки темир-бетон кўприк бунёд этилди. Судочье кўлига қуйиладиган магистрал коллектор устидан ўтадиган кўприкнинг узунлиги 42 метрни, эни эса 12 метрни ташкил қилди. Нукус Кўприклардан фойдаланиш ҳамда Устюрт Йўл қурилиши бошқармалари махсус бригадалари мураккаб об-ҳаво шароитларида ишлаб, жонбозлик кўрсатдилар.

— "Кўнғирот—Бейнеу" асфальт йўлининг қорақалпоғистонлик жамоалар томонидан қуриб фойдаланишга топширилиши лозим бўлган 189 километрлик қисмида транспорт ҳаракати бошланган, — дейди Нукус кўприклардан фойдаланиш бошқармаси бош муҳандиси Шавкат Давлатёров. — Аммо бу йўналишда ҳали ўнлаб катта-кичик кўприклар қурамиз. Шундай қилиб, Шарқни Ғарб билан боғловчи йўлнинг муҳим ҳалқасида ҳаракатларнинг бетиним бўлиши учун, ўзимизнинг баҳоли қудрат ҳиссамизни қўшамиз.

"КЎКДАРЁ"ДА СПОРТ МАЖМУИ

Кўнғирот туманидаги "Кўкдарё" ширкат хўжалиги худудида истиқомат қилувчи минг нафарга яқин болалар қувончига қувонч қўшилди. Хўжалик марказида спорт мажмуи қурилиб, ўғил-қизлар ихтиёрига берилди.

Болалар спортини ривожлантириш дастурига кўра қисқа муддатда ишга туширилган мазкур иншоатда футбол, баскетбол, волейбол, теннис, гимнастика билан мунтазам шуғулланиш имкони бор. Бунинг учун 1,5 гектар майдонни эгаллаган мажмуа зарур қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар билан таъминланди.

Болалар ихтиёрига топширилган мазкур иншоатдаги қурилиш-монтаж юмушлари ҳашар йўли билан амалга оширилди.

Шу жумладан, барча қулайликларга эга бўлган болалар спорт мажмуи Кегейли туманидаги Халқобод шаҳарчасида ҳам фойдаланишга топширилди.

Асилбек ИСКАНДАРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Қашқадарё вилояти

АЙЁМ КУНЛАРИДА ЭЗГУ АНЪАНА

Муборак Рамазон ҳайити азалдан юртимизда шоду хуррамлик, меҳр ва мурувват айёми сифатида нишонлаб келинади. Бу айёмда кексаларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром, кам таъминланган оилалар, етим-есирлар, ногиронларга ғамхўрлик ва ёрдам кўрсатиш анъанага айланган. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги Қарори асосида мутасадди идоралар ва жамоат ташкилотлари ушбу айёмни жойларда тартибли ва юксак даражада ташкил этилишини таъминлаш мақсадида тегишли тадбирларни амалга оширдилар.

Чироқчи туманидаги Қумдарё қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Чувиллоқ ва Оқтўпли қишлоқлари ҳам ушбу кунларда чинакам байрамона кайфиятга чулғанди. Ҳар икки қишлоқда ҳам байрам муносабати билан катта хайрия тадбирлари ўтказилди. Хусусан, фуқаро Фармон Холбўтаев ҳудудда истиқомат қилувчи 25 нафар ночор оилаларга 4 минг сўмдан мурувват ёрдами кўрсатди. Ана шундай хайрли иш Чувиллоқ маҳалласида ҳам амалга оширилди. Унга Чувиллоқ маҳалласи оқсоқоли Я.Ёрлаев бошчилик қилди. Тадбирда 23 нафар эҳтиёжманд инсонларга жами 115 минг сўмлик хайрия пуллари тарқатилди.

— Биз бундай имкониятга аввало истиқлол шарофати билан эришдик, — дейди Қумдарё қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Б.Раҳимов. — Бугун бизнинг тўкин дастурхон атрофида йиғилишимиз, эҳтиёжманд инсонларга меҳр ва мурувват кўрсатишимиз, ночорлар ҳолидан хабар олишимиз мустақиллик инъом этган буюк бахт. Муҳими, ушбу айём кунларида фуқароларимиз юзида табассум, қалбида шоду хуррамлик...

М.ЛАТИПОВА

ҚОЗОҒИСТОНДА ТЕРРОРЧИ УШЛАНДИ

Қозоғистонда Россияда содир этилган террорчилик ҳаракатида қатнашганликда гумон қилинаётган чечен ноқонуний ҳарбий тузилмаси иштирокчиси қўлга олинди.

Бу ҳақда якшанба куни Қозоғистон Республикаси Миллий хавфсизлик қўмитаси раиси Н.Дутбоев маълумот берган.

"Қозоғистон ва Россия ҳудудида Россия Федерацияси Федерал хавфсизлик хизмати билан ҳамкорликда тадбирлар уюштирдик. Бунинг натижасида Чеченистон ноқонуний ҳарбий тузилмалари таркибида жангларда иштирок этган Қозоғистон фуқароси қўлга олинди" — деди Н.Дутбоев республиканинг умуммиллий телеканалларидан бири "Хабар" телеканалининг "Жеты кун" дастурига интервью бераркан.

"Бундан ташқари у Россиядаги террорчилик ҳаракатини ташкил этишда ҳам иштирокчи бўлган бўлиши мумкин, — деди МХҚ раҳбари. — Аммо буни далиллаш учун тезкор тергов тадбири ўтказиш зарур", — дея қўшиб қўйди у.

Н.Дутбоевнинг сўзига кўра, қўлга олинган шахс ҳозир Қозоғистонда ушлаб турилибди, унга нисбатан тергов ҳаракатларини айнан республика миллий хавфсизлик органлари олиб боради.

МХҚ раиси бу фактни Қозоғистон ва Россия махсус хизматларининг терроризм ва экстретизмга қарши ҳамкор фаолиятининг муваффақияти деб баҳолади.

Шунингдек, у Қозоғистон хавфсизлик хизматининг Ўзбекистон ва қирғизистонлик ҳамкасблари билан ҳамкорлигини ҳам қайд этиб ўтди.

Бундан ташқари унинг берган маълумотига кўра, мазкур йилда республика ҳудудида Туркия фуқароси — Курд ишчилар партияси эмиссари ушланган ва Туркия томонининг илтимосига кўра уларга берилган.

Н.Дутбоевнинг яна таъкидлашича, МХҚ Қозоғистонда ишлашни хоҳлаган "ташқи ишчи кучлар" орасида террорчилик ҳаракати қатнашчилари, хусусан, Яқин Шарқдаги шундай ҳаракатлар иштирокчилари борлигини ҳам аниқламоқда. Ана шундай хулоса билан ўтган ва 2004 йил давомида 20 га яқин чет эл фуқаросининг Қозоғистон чегарасига кириши ман этилган.

"ИНТЕРФАКС".
2004 йил 14 ноябрь

åçíÉ

"Mahalla" газетаси ҳар бир фуқаролар йиғинининг энг яқин, энг мақбул дастёри. Буни бугун йиғинларнинг ҳар бир фаоли эътироф этади. Шундай экан "Mahalla"га обуна бўлишни асло пайсалга солманг, азиз муштарий!

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида **060** рақами билан рўйхатга олинган.
Нашр кўрсаткичи:148

Хомий:
«Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили:
Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

« M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА 2005 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.
2005 ЙИЛДА "Mahalla"СИЗ ҚОЛМАНГ!

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

КОТ-Д'ИВУАР МУАММОСИ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ МУҲОКАМАСИДА

Кот-д'Ивуардаги вазият беқарорлигича қолмоқда. Лекин Франция ташқи ишлар вазири Мишел Барне парламентда сўзлаган нутқида мамлакатни Кот-д'Ивуар билан уруш ҳолатида, деб ўйламасликкераклигини таъкидлади. Франциянинг асосий мақсади Кот-д'Ивуарда тинчлик ўрнатиш ва ўз фуқаролари хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

Маълумотларга қараганда, Кот-д'Ивуардаги можаро бошлангандан буён 5 мингдан зиёд Франция фуқароси юртига қайтишга мажбур бўлган. Яқин кунлар ичида мамлакатда тинчлик ўрнатилмаса, бу рақам яна ортиши мумкин.

РАТА-ТАСС хабарига қараганда, БМТ Хавфсизлик кенгаши Кот-д'Ивуарга қурол-яроғ сотилишига эмбарго жорий этди. Ушбу резолюция БМТ аъзолари томонидан бир овоздан маъқулланди. Унга кўра, мазкур мамлакатга 13 ой мобайнида ҳарбий самолёт ва қурол-аслаҳа умуман киритилмайди.

Халқаро кузатувчилар Франция томони ишлаб чиққан мазкур резолюция 15 декабргача ҳукумат ва исёнчиларнинг тинчлик ўрнатиш борасида бир тўхтамга келишида муҳим аҳамият касб этишини таъкидламоқда. Хавфсизлик кенгаши вакиллари эса шу вақт ичида вазият ижобий томонга ўзгармаса, эмбарго ва бошқа жазо чоралари яна чўзилиши мумкинлигини айтмоқда.

Кот-д'Ивуардаги танглик анча илгари бошланган эди. Октябрь ойида ҳукумат қўшинлари ва маҳаллий аҳоли ҳамда мамлакатда фаолият кўрсатаётган Франция тинчликни сақлаш кучлари ўртасида тўқнашувлар юз берди. Кот-д'Ивуар ҳукумати қўшинлари уюштирган ҳаво ҳужуми натижасида француз ҳарбийларидан 9 нафари ҳалок бўлди. Бу ҳужум аслида француз ҳарбийларига эмас, президент Лоран Гбагбони ағдариш йўлидаги самарасиз ҳаракатлардан сўнгмамлакат шимолига ўрнашиб олган исёнчи гуруҳларга қарши қаратилган эди.

Мишел Барненинг сўзларига қараганда, Кот-д'Ивуарда юзага келган тангликни биргина йўл — сайлов ўтказиш билан бартараф этиш мумкин. Унинг фикрича, Франция ҳукумати Кот-д'Ивуарда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши тарафдори.

Жасур КЕНГБОЕВ (ЎзА)

Сайловолди фаолият

МУСТАҚИЛ НОМЗОДЛАР ВА САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Ана шу текин эфир вақти энг кўп томошабинлар, тингловчилар йиғиладиган вақтга тўғри келиши лозим. Текин ажратиладиган эфир вақтида чиқишларнинг кетма-кетлиги Марказий сайлов комиссияси томонидан қуръа ташлаш йўли билан ёки алифбо тартибида белгиланади.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳлари бу вақтдан ўз вакилларининг сиёсий дебатларини ўтказиш учун фойдаланишлари мумкин.

Шунингдек, давлат даврий матбуот нашрлари томонидан ҳар ҳафтада депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга, сайловчилар ташаббускор гуруҳларига текин босма майдони ажратилади. Бунда текин ажратиладиган энг минимал босма майдон тегишли нашр умумий ҳафталик босма майдонининг камида 10 фоизидан оз бўлмаслиги керак.

Текин ажратиладиган босма майдонининг умумий миқдори рўйхатга олинган депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ўртасида тенг миқдорда тақсимланади.

Аввалги сайловлардан фарқли ўлароқ, бу галги сайлов кампаниясида сайловолди ташвиқоти нафақат текин, балки пулли асосларда ҳам амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Миробод, Бектимир ва Ҳамза туманлари ҳудудининг бир қисмини қамраб олган 3-Темирйўл сайлов округи 112,5 минг сайловчини бирлаштирган. Округ сайлов комиссиясида сайловга оид қонун ва қўлланмалар муҳайё этилган.

СУРАТДА: *3-Темирйўл округ сайлов комиссияси раиси ўринбосари Ғ.Зокиров (чапдан) сайловчилар — Ш.Баҳромов ва Г.Ситникова билан сайлов қонунчилиги ҳақида суҳбатлашмоқда.*

Зикр этилган Низомда давлат оммавий ахборот воситаларида депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар қатори сайловчилар ташаббускор гуруҳларига ҳам ҳақ тўланадиган эфир вақти, шунингдек, босма майдони ажратилиши мумкинлиги кўзда тутилган. Аммо, бунинг битта шарти бор: ҳақ тўланадиган эфир вақти ёки босма майдонининг ҳажми сайловолди ташвиқоти учун текин ажратилган эфир вақти ёки босма майдони миқдоридан ошмаслиги даркор.

Ҳақ тўланадиган эфир вақти, шунингдек, босма майдони нодавлат оммавий ахборот воситалари томонидан ҳам ажратилиши мумкин. Бунда тегишли оммавий ахборот воситаларининг тегишли ҳақ тўлаш шартлари ва бошқа талаблари тенглик ва бир хиллик тамойилларига асосланган бўлиши лозим.

Эътиборли жиҳати шундаки, кўрсатилаётган ахборот хизматларига ҳақ тўлаш тарифлари оммавий ахборот воситалари томонидан мустақил белгиланади.

Шу ўринда сайловчилар ташаббускор гуруҳлари номзодлари билан сиёсий партиялар номзодларининг оммавий ахборот воситаларидан ҳақ тўлаб фойдаланишининг айрим фарқли жиҳатлари бор.

Гап шундаки, сиёсий партиялардан номзодларнинг оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда ташвиқот тадбирлари олиб борганлиги учун маблағлар белгиланган тартибда сиёсий партияларга ўтказилса, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан номзодларнинг ташвиқот фаолияти учун маблағлар тегишли округ сайлов комиссияларига Марказий сайлов комиссияси томонидан ўтказилади.

Бундан келиб чиқадики, сиёсий партия номзодига эфир вақти ёки босма майдони берилганлиги учун ҳақ тўлаш тегишли сиёсий партия ҳисоб рақамидан, сайловчилар ташаббускор гуруҳи номзодига эфир вақти ёки босма майдони берилганлиги учун ҳақ тўлаш эса тегишли округ сайлов комиссиясининг ҳисоб рақамидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Миллий қонунчиликда эфир вақти, босма майдони тақдим этишда оммавий ахборот воситаларига нисбатан муайян талаблар ҳам кўзда тутилган.

Аввало, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда суиистеъмолликка йўл қўйилмайди. Оммавий ахборот воситаларида тарқатиладиган ахборот ҳақиқатга тўғри келиши, депутатликка номзодларнинг, сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини бузмаслиги лозим.

Телевидение ва радионинг ахборот дастурларида, матбуот нашрларида сайловолди тадбирлари ўтказилиши тўғрисидаги маълумотлар алоҳида ахборот блокида берилиши шарт. Бунда депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳлари учун ажратиладиган эфир вақти ва босма майдони ҳажми тенг бўлиши даркор. Сайловолди ташвиқоти материаллари уларни тақдим қилган депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг розилигисиз таҳрир қилиниши мумкин эмас.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ҳар бир оммавий ахборот воситаси ўзининг сайловолди ташвиқоти билан боғлиқ фаолияти бўйича ҳисобдордир. Яъни, улар ажратиладиган эфир вақти ва босма майдонини ҳисобга олиб боради ҳамда бу ҳақда Марказий сайлов комиссиясига тегишли ахборот тақдим этади.

Сайлов кампанияси даврида муассислари ёки бошқа органларининг аъзолари тегишли сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг аъзолари, депутатликка номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари бўлган компаниялар, ташкилотларнинг хайрия фаолияти оммавий ахборот воситаларида ёритилмайди. Сайловолди тарғиботини хайрия фаолияти билан қўшиб олиб боришга йўл қўйилмайди.

Яна бир муҳим жиҳат — депутатликка номзод этиб рўйхатга олинган оммавий ахборот воситалари вакилларининг ўз таҳририятларида сайлов жараёнларини ёритиш бўйича ишларни бажариши ёки информацион чиқишларни амалга ошириши тақиқланади.

Яқинда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ва улар томонидан кўрсатилган депутатликка номзодларнинг барча давлат оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари алифбо бўйича амалга оширилиши ҳақида қонуний тўхтамга келди. Бу тартиб, мулкчилик шаклидан қатъи назар, мамлакатимиз ҳудудидаги барча оммавий ахборот воситаларига нисбатан жорий этилади.

Марказий сайлов комиссияси томонидан сиёсий партиялар, Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази вакилларининг сайловолди кампанияси даврида эфирга чиқишлари бўйича ҳафталик жадвал, шунингдек, уларнинг сайловолди ташвиқоти материаллари учун ажратиладиган босма майдони ва нашр қилиш жадвали ҳам тасдиқланди.

Шуниси эътиборга сазоворки, Марказий сайлов комиссияси Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази оммавий ахборот воситаларида сайловолди ташвиқоти билан чиқиш учун сиёсий партиялар билан тенгма-тенг шароит яратишга жиддий уриғ берган. Бу — жуда муҳим. Чунки сайловчилар ташаббускор гуруҳлари кўрсатадиган номзодларга кўмаклашиш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасида ушбу Марказ алоҳида роль ўйнайди.

Сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартибини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ғулом МИРЗО

Ҳамкорликдаги фаолият

Қашқадарё вилояти

СОЛИҚ ВА МАҲАЛЛА

Улар ҳамкорлиги солиқ тўловини йўлга қўйишга, натижада аҳоли манфаатига хизмат қилади.

“Маҳалла” жамғармаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда мунтазам равишда ўтказиб келинаётган бу кўрик-танловдан кўзда тутилган асосий мақсад — ўзини ўзи бошқариш органлари, давлат солиқ инспекторлари ҳамда маҳалла фаоллари ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, аҳоли ўртасида солиқ сиёсатини тўғри тарғиб ва ташвиқ этиш, солиқлар моҳияти, аҳамияти, улардан тушадиган маблағларни қандай мақсадларга сарфланиши тўғрисида кенг маълумот бериш ва ҳеч шубҳасиз солиқларнинг йиғилувчанлигини оширишдан иборат.

Шуни мамнуният билан қайд этиш лозимки, давлат ғазнасини мустаҳкамлашда маҳалла йиғинлари оқсоқоллари ҳамда участка солиқ инспекторларининг ўзаро ҳамкорлиги яхши самаралар бераяпти. Жорий йилнинг ўтган 10 ойи давомида вилоят бўйича қўшимча равишда 385825 хўжалик ҳисобга олиниб, уларнинг 129015 тасига белгиланган тартибда имтиёзлар берилди ва 256810 хўжаликка нисбатан 601 млн. 380 минг сўм мол-мулк солиғи ҳисобланди. Ер солиғи бўйича 372369 хўжалик ҳисобга олиниб, ҳозиргача 859 млн 572 минг сўм ундирилиши таъминланди. Давлат бюджетига 554 млн 467 минг сўм туширилди. Қарши шаҳри, Касби, Қарши, Муборак ва Чироқчи туманларида йиллик ер ва мол-мулк солиқлари режаси муддатидан олдин тўлиқ адо этилди. Якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланадиган фуқароларни солиққа тортиш борасида ҳам ижобий натижаларга эришилди.

Солиқ маданиятини ошириш йўлида Қашқадарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси томонидан ўтказилаётган кўрик-танловлар катта самара бермоқда. Куни кеча “Ибратли маҳалла оқсоқоли ва намунали участка давлат солиқ инспектори” кўрик-танловига якун ясалди.

Солиқлар йиғимидан тушаётган маблағларнинг катта қисми фуқароларни ҳимоя қилиш, ўқув даргоҳлари қуриш ҳамда уларни қайта таъмирлаш, йўллар барпо этиш ва бошқа ободонлаштириш ишларига сарфланаётир.

Кўрик танловда биринчи ўрин Касби тумани Ғалаба қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Х.Отамуродов ва участка Давлат солиқ инспектори М.Шодмоновларга берилди.

Иккита иккинчи ўрин Косон тумани Охунбобоев номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Т.Ашуров, участка Давлат солиқ инспектори Э.Абдуназаров ҳамда Китоб тумани Паландара қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Х.Аликулова ва участка Давлат солиқ инспектори А.Ҳафизовларга насиб этди.

Учта учинчи ўрин соҳиблари деб Ғузор тумани Чаноқ маҳалласи фуқаролар йиғини раиси С.Назаров, участка Давлат солиқ инспектори Ш.Эминов, Муборак тумани Қарлиқ фуқаролар йиғини раиси Б.Боймирзаев ва участка Давлат солиқ инспектори Х.Диёров ҳамда Шаҳрисабз тумани Шакартери қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Б.Бердиев ва участка давлат солиқ инспектори Ш.Жамоловлар топилдилар.

Совриндорлар вилоят Давлат солиқ бошқармаси ҳамда “Маҳалла” жамғармаси вилоят бўлимининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ, “Mahalla” мухбири.

Сурхондарё вилояти

Кейинги йилларда амалга оширилаётган ободончилик ва бунёдкорлик ишлари чекка қишлоқ ва маҳаллаларда ҳам беқиёс ижобий ўзгаришлар ясамоқда. Сариосиё туманида жойлашган Ҳуфар қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидаги 9 нафар маҳаллалар ҳаёти ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

ХУФАРДА ХАЙРЛИ ИШЛАР ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ

Қишлоқда 1 та ширкат ва 36 та фермер хўжаликлари фаолият юритаяпти. Бу эса мингдан ортиқ хуфарликларнинг иш билан бандлигини таъминламоқда. Қишлоқ йиғини раиси М.Шарипов доимо ана шу фермер ва тадбиркорлар мададига суянади. Бу ҳамкорлик эса ўз навбатида қишлоқ инфратузилмасининг ривожланишига, халқ мушкулининг осон кечишига, турмуши фаровон бўлишига хизмат қилмоқда. Аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланган. 2290 хонадон табиий газдан фойдаланиш имкониятига эга. Уларнинг 639 тасига газ ҳисоблагичлар ўрнатилган. Ҳозирда қолган хонадонларда ҳам ана шундай қулайликлар яратиш мақсадида жадал суръатларда сув ва газ қувурлари ётқизиш, газ ўлчагичлар ўрнатиш ҳамда электр тармоқларини узайтириш ишлари олиб борилмоқда. Ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари, мурувватли ва саховатпеша инсонлар бу ишга ҳомийлик қилишмоқда. Қолаверса, ҳудуддаги ободончилик ва бунёдкорлик ишларига ҳам улар бош-қош. Янгиҳаёт маҳалласида барпо этилган коллеж биноси, Чароғон маҳалласида 1300 ўринга мўлжаллаб қурилган замонавий спорт мажмуи, Тиргарон, Хуфар ва Кенгузар маҳаллаларида бунёд этилган мактаб бинолари шулар жумласидандир.

Қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан ҳудудда истиқомат қилувчи эҳтиёжманд кишиларни моддий рағбатлантириш масаласига ҳам катта эътибор қаратилаяпти. Хусусан, 100 нафардан зиёд уруш ва меҳнат фахрийлари, 200 нафарга яқин кўп болали ва ногирон инсонларга доимий ёрдам пуллари ажратилаяпти.

Шунингдек, яқинда фуқаролар йиғинларида ишбошлаган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолияти ҳам диққатга сазовор. Улар ҳудудда ташкил этиладиган турли маърифий тадбирларни ўтказишга бош-қош бўлмоқдалар. “Огоҳликка даъват”, “Ўз уйингни ўзинг асра”, “Гиёҳвандлик — аср вабоси” каби мавзуларда уюштирилаётган давра суҳбатлари, тушунтириш ишлари, айниқса, ёшлар онгида эзгу туйғу ва тушунчаларни шакллантиришда қўл келмоқда. Айниқса, бу борада маҳаллаларда ривожланиб бораётган болалар спортининг ўрни ва аҳамияти катта бўлаяпти. Футбол жамоаси мусобақаларда пешқадам, совринли ўринларни қўлга киритиб келаяпти.

Албатта, ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам йўқ эмас. Масалан, ўтган йилда ҳудудда истиқомат қилувчи бир неча шахснинг гиёҳванд моддалар истеъмоли ва ноқонуний савдоси билан шуғулланишлари аниқланиб, улар жиноий жавобгарликка тортилди. Қишлоқ йиғини шаънига доғ туширувчи ушбу нохуш ҳолатлар, албатта маҳалла оқсоқоллари, фаоллари эътиборидан четда қолмади. Бу масала фуқаролар йиғинларида кенг муҳокама қилиниб, гиёҳвандликка қарши курашиш чора-тадбирлари янада кучайтирилди.

Омон ШУКУРОВ, “Mahalla” мухбири.

Тошкент вилояти

Одамларга яхшилик қилиб яшаётган инсон ҳеч қачон бу ишни миннат учун ёки қарз учун қилмайди. Инсон қалбига эса яхшилик уруғини Аллоҳнинг ўзи сепади. У униб, гулга, мевага киргач инсон уни атрофдагиларга улашади.

“ОДАМЛАРГА ҲАР ГАЛ ЯХШИЛИК ҚИЛГАНИМДА ЎЗИМНИ РУҲАН ТЕТИК ҲИС ҚИЛАМАН”

— дейди қаҳрамонимиз.

Орамиздаги одамлар

Самарқанд вилояти

Одамларга яхшилик қилиб яшаётган бир дўстим “ҳар яхшилик қилганимда ўзимни ниҳоятда соғлом ва енгил ҳис қиламан” деганида, яхшилик инсон руҳини тозалайди, уни бутун қилади, деб қўшиб қўйдим. Дарҳақиқат, шундай, яхшилик кишига умр беради, савоб олиб келади.

Эндигина 32 ёшга кирган, лекин одамларга яхшилик қилишга ҳар бир кунини бағишлаётган бу йигитни Ўрта Чирчиқ туманида жуда кўпчилик танийди. Кичик бир дўкондан иш бошлаб бугунги кунда ишлаб чиқариш тижорат фирмасини юритаётган бу тадбиркорнинг қилаётган ишидан кўра одамлар, амалга ошираётган савоб ишлари, яхшиликлари ҳақида кўпроқ гапиришади. Бу йигитнинг исми Зиёмуҳаммад бўлса-да, таниш-билишлари уни кўпроқ Дилшод деб аташади. Ундан яхшилик кўрган одамларнинг диллари шод бўлганлиги боисми, бу исм унга жуда ярашади. Дилшоднинг ўзидан яхшиликлари ҳақида сўрасангиз, мен бу ишларни мақтаниш учун қилаётганим йўқ, деб доимо суҳбатдан ўзини тортади. Лекин яхшилик кўрган, яхшилик туфайли кўнгли кўтарилган одамлар қайси маҳаллага борманг, у ҳақда доимо тўлқинланиб гапиради. Яқинда даврадаги суҳбатларнинг бирида бир кўзи ожиз қария "Дилшоджонга раҳмат, кўрлар жамиятига 300 минг сўмлик ёрдам кўрсатди" деб қабристонни обод қилишга 1000 сўм пул бермаган бир йигитни мўлжаллаб айтиб юборди. Ёки бошқа бир мисол. Туманда ногирон ва фалаж болаларнинг ҳолидан хабар олувчи “Умр” жамғармаси бор. Шу жамғарма билан биргаликда кўнгли ўксик, бахти ярим болаларни ота-оналарига айтиб, уларни бир жойга йиғиб, олдиларига дастурхон ёзиб, қучоқ-қучоқ совға-саломлар улашганда уларнинг кўзларидаги қувончни ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Улар ногиронлар аравачасида ўтириб, Дилшод акалари билан даврада ўйинга тушдилар, уни чин дилдан яхши кўриб қолишди.

Мана шундай яхшилик кўрган инсонлардан бири, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, ногирон Владимир Тимошин ҳам Дилшодга ҳаётда фақат бахт тилаб яшайди. Дилшод унинг ҳовлижойини тузатиб беришдан ташқари унинг иссиқ-совуғидан, дастурхонидан хабар олиб туради.

Бу саховатпеша йигитнинг мактабларга, таълим-тарбия ишларига бўлган эътибори ҳам катта.

— Мен болаларимизнинг Юртбошимиз айтганидай, билимдон ва кучли, соғлом бўлишларини чин дилдан истайман. Ўзим ҳам отаман. Болаларимнинг келажаги менинг ҳам келажагимдир, — дейди тадбиркор Дилшод Мўминов.

Дарҳақиқат, сўзи билан иши бир бўлган бу тадбиркор ҳар йили тумандаги 48, 57-мактабларга ва 6-болалар боғчасига спорт жиҳозлари, ўқув қуроллари олиб беришни канда қилмайди. Ёш спортчиларнинг ўзига бу йил 600 минг сўмдан кўп маблағ сарфланди.

Бу саховатларни кўрган одамлар болаларимизнинг келажаги учун қайғураётган бундай инсонларнинг сафи яна ҳам кўпайишини истайдилар.

Яхшиликни ҳам билган қилади, саховатни эса қўли очиқ одамгина ўзининг бурчи деб тушунади. Халқда бир гап бор: “Берсанг ҳам омон бўл, бермасанг ҳам”. Орамизда саховатпеша, қўли очиқ ва кўнгли яримга доимо пешвоз чиқадиган одамлар бор экан, элимиз уларни доимо ардоқлайди, бошига кўтаради.

Ўрта Чирчиқда яшовчи тадбиркор Дилшод (Зиёмуҳаммад) Мўминов ҳам яхшилик улашиб, онасининг, элнинг дуосини олиб яшаётган бахтли инсонларнинг биридир.

Маъмур БОЗОРАЛИЕВ

Самарқанд вилояти

“ИССИҚ ХОНАЛАРДА ЎҚИШ ЯХШИ ЭКАН,”

— дейишмоқда ўқувчилар

Эзгулик йўлида меҳнат қилиш дилни қувонтиради. Зеро, ўз меҳнатинг ортида фарзандларнинг қувончи борлигини ҳис қилсанг савоб хазинасидан дур терган бўласан. Очиғини айтганда, кўпгина илм даргоҳлари оталиқ ва ҳомий ташкилотларга биркитилган.

Аммо ҳаммаси ҳам ўқувчиларнинг келажаги учун чинакамига қайғураяптилар, деб бўлмайди. Улар орасида ўзининг мурувватли билан халқ таълими тизими ходимларига ёрдам қилаётганларнинг борлиги таҳсинга лойиқ. Оталиқ ташкилот озгина қўлласа, ўқув даргоҳларида ўқитиш ишлари янада яхшиланишига имкон яратилади.

Ёзги таътилга чиқиб кетган ўқувчилар мактабга қайтганларида ажойиб янгиликни кўриб, бениҳоя қувонишди. Синфхоналарга газ тармоқлари уланиб “зангори олов” ёна бошлабди.

— Болаларнинг севинчи ичига сиғмайди, — деди Пастдарғом туманидаги 18-умумтаълим мактаби директори Назира Раҳимова. — Улар энди қишки мавсумда иссиқ хоналарда дарс ўтиш имконига эга бўлдилар. Мактабни ўз оталиғига олган “Жума-дон” акционерлик жамияти (раиси Ўктам Алланазаров) газ тармоқларини улаш учун 500 минг сўм маблағ ажратди. Бундан руҳланган “Шарқ юлдузи” ширкат хўжалиги (раиси Асадулло Жуманов) 150 минг сўм, “Тадбиркорбанк” шаҳар бошқармаси (раҳбари Абдураззоқ Диёров) 100 минг сўм миқдорида ҳомийлик ёрдамини кўрсатдилар. Бу ўринда Манғитобод маҳалласи оқсоқоли Пардамурод Юнусов бошчилигидаги фаолларнинг ташкилотчилиги ва ташаббускорлиги ҳам катта мадад бўлди. Маҳаллада яшовчи фуқаролар Тўйчи Бўриев, Шаққос Ҳасанов, Ғулом Нарзуллаев, Облоқул Набиев, Эркин Эшмуродовлар ўз жамғармаларидан озми-кўпми ҳиммат кўрсатишди. Мактабни газлаштириш жараёнида ўқитувчи Уйғун Шомиев, қўли гул пайвандчи уста Абдулҳай Холназаров, Ўрин Алибоев, Абдумажид Маматкаримов, Нуриддин Йўлдошев, Алишер Номозов ва Барот Ҳайдаровлар ибрат кўрсатдилар.

Ғайрат БОБОҚУЛОВ

Фарғона вилояти

Қувадаги мебел комбинатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ихчам ва сифатлилиги билан азалдан машҳур. Комбинатнинг "Куббо стил" Ўзбекистон — Италия қўшма корхонасига айлантирилиши билан бу ерда тайёрланаётган мебеллар тури юздан ортди ва сифати янада яхшиланди. Бугунги кунда Қува мебелларига бўлган талаб Ўзбекистондагина эмас, балки хорижда ҳам тобора ортиб бормоқда.

"БОЛАЛАР БОҒИ"

қувалик мебелчи усталар уни энг хушҳаво жойда барпо этишмоқда

Шу билан бирга комбинатнинг қўшма корхонага айлантирилиши унинг ишчи-хизматчилари турмуш шароитини яхшилашга, маҳаллаларда ободончилик ишларини амалга оширишга, қийналган оилаларга моддий ёрдам кўрсатишга имкон яратди.

Мебелчилар Меҳр ва мурувват йилида ўз эҳтиёжларидан орттириб, хайрия ишларига 105 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфладилар. Ана шу маблағнинг катта қисми "Саидвоққос бува" мақбарасини қайта тиклаш ва бу ерда дам олиш масканини ташкил қилишга сарфланди.

Янги ҳаёт маҳалласи гузарини бунёд этишда ҳам асосий ҳомийликни шу жамоа ўз зиммасига олган.

— "Куббо стил" қўшма корхонаси директори Мусожон Исмоиловдан маҳалламиз аҳолиси беҳад хурсанд, — дейди Янги ҳаёт маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Шокиржон Зайлиддинов. У маҳалладаги кам таъминланган оилаларга доимо ёрдам бериб туради.

Мебелчилар Хотира ва қадрлаш кунида туман марказидаги "Мотамсаро она" ҳайкали атрофини обод қилиб, уруш ва меҳнат фахрийлари учун хайрия тадбири уюштирдилар. Худди шундай тадбир Республикамиз мустақиллиги байрами муносабати билан "Саидвоққос бува" зиёратгоҳида ҳам ўтказилди.

— Бундай ўйлаб кўрсак, фарзандларимиз бизнинг давомчиларимиз, — дейди корхона раҳбари Мусожон Исмоилов. — Уларнинг соғлом, қувноқ ва зукко бўлиб камол топишини хоҳлаймиз. Шу ҳақда ўйлаб, энг хушҳаво жойда "Болалар боғи" (акво парк) яратишни мақсад қилдик. Бу ишга ҳозирдан киришганмиз.

Мусожон Исмоилов бошлиқ қувалик мебелчиларнинг олиб бораётган хайрли фаолиятлари чиндан ҳам таҳсинга лойиқдир.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Оила масъулияти

Ўчоқ бошини ўргатган ОНАМ...

...Оқсоқол гапнинг дангалини деди:

— Ёшлар ўртасида хийла ажралиш кўпайди. Тагини суриштириб келсангиз, арзимайдиган баҳоналар ётибди. Ёшларнинг озгина қийинчиликлар олдида эсанкираб қолишлари, уларнинг оила юритишга тайёр эмасликлари сезилиб қолаяпти. Мана бугун ҳам бир жанжалнинг гувоҳи бўлдим. Ёш келин-куёв ажралишмоқчи. Сабабини сўрасам келин на хамир қориб, нон ёпишни, на қозон осишни билар эмиш.

Мен келиннинг қайнонасига "билмаса сиз ўргатинг, икки-уч марта ёнингиздан қўйманг", деб насиҳат қилсам, у ҳам паст тушгиси келмайди: "Э, ўзида бўлмагандан кейин, менинг ўргатганларим қаёққа борарди?..". Билдимки, қайнона ҳам, қайнота ҳам ёш оиланинг мустаҳкамланиб кетишини кўзламаяпти. Ўғил эса икки ўт орасида овора. Мен қайнонанинг "менга тайёр хизматкор керак" деган фикридан қанча хафа бўлсам, ўчоқ бошию юмушларини қизига ўргатмаган онадан ҳам шунча хафа бўлдим...

Оқсоқол билан ёш оилаларнинг ўзларини тиклаб кетишлари учун нималарга эътибор бериш кераклиги тўғрисида узоқ суҳбатлашдик, баҳслашдик.

Шу онларда кўз олдимдан юзлари тўла ажин, серғайрат онам кетмади. Биз тўрт ўғил, уч қиз ўсдик. Онам жуда кўп касал бўларди. Шунданми, қизларини қозонтовоққа жуда эрта ўргатар, ўчоқ бошининг қандай тутилишини ўз қўли билан кўрсатарди.

Сингилларим 10 яшарлигидаёқ нон ёпиш, овқат қилишнинг ҳадисини олган, кирларимизни ўртага уйиб, кучлари етгунча онамга қарашишарди. Ҳозир уларнинг ҳаммаси бахтли ҳаёт кечиришмоқда. Ундан кейин уйимизга кетма-кет тўрт келин келди. Ўчоқ бошини билганларига қўшимча ўргатди, билмаганларини эса ёнига олиб ўргатди. Эсимда бор, келинлардан бири ота уйида хамир қорар эканку, тандирда ҳеч нон ёпмаган экан. Онам бир жойга кетар чоғида нон ёпиб қўйинглар, деб тайинлаб кетибди. Келин ўтинни кўпроқ ёққани учун тандир ўта қизиб кетган, уни совутмай келин нонни ёпиштирган. Ёпилган нонларнинг орқаси куйиб кетган эди. Ноннинг куйган жойини уч кунгача тозалаб едик. Кейинги сафаргисида онам келинга хамир қоришдан то тандирдан нонни узиб олгунча бўлган жараённи эринмай ўргатди. Ҳозир келинлар онамнинг ҳурмат-иззатини келтириб юрибди. Онам эса уларга доимо тайинлайди: "Қизларингни ўчоқ бошига ўргатинглар".

Хўш, ёш оиланинг бузилиб кетишига фақат қиз боланинг нўноқлиги ёки ўчоқ бошини эплолмаслиги сабабми? Оила деган муқаддас даргоҳнинг остонасида турган куёв ёки йигит нима дейди? У ҳам онасига қўшилиб оилага янги меҳмондек келган келинжонни ёмонлаб юраверсинми ёки бир четда томошабин бўлиб тургани маъқулми?

Яна хаёлимга онамнинг насиҳатлари келади. Уйланиб, ўзимиз мустақил оила бўлиб яшаётганимизга 15-20 йил бўлибдики, ҳамон "аёлинг — болаларингнинг онаси,

сенинг қўлтиқдошинг, мени қандай ҳурмат қилсаларинг уларни ҳам шундай ҳурмат қилинглар" дейишдан чарчамайди.

Баъзан қайнона-келин келишмовчилиги юз берса, ўғил дарров ё она томонга ё хотин томонга ўтиб олади. Бу ерда йигит киши тарозининг палласини тенг ушлаши керак. Ҳакамликни ақл-одоб билан юритса муаммо ечилади.

Маҳалла оқсоқолларидан бири "Ҳамиджон, ука, оилани юритиш ҳам санъат" деганда мен уни қўллаб-қувватлагандим. Ҳақиқатдан ҳам оиланинг мустаҳкам илдизга эга бўлишида уни маҳорат билан бошқараётганларнинг заковатига, ақлига ва режасига кўп нарса боғлиқ.

Ёш оилаларнинг япроқ ёзиб мева тугишига ота-оналар ҳам бирдай масъул. Негадир кейинги пайтларда "ёшларнинг ўзига қўйиб берайлик" деган тушунчалар кўпайиб бормоқда. Тўғри, ёшлар ўз муаммоларини ўзлари мустақил ечишлари учун "ўзларига қўйиб берищимиз" яхшидир. Лекин ёш оиланинг ўзини тутиб кетишида ҳамма масъулиятни уларнинг ўзига юклаб қўйиш жиддий хатодир. Қайнона келиннинг билмаганини билдириб, камчилигини тўлдириб борса, қайнона ўғлига оилада эркакнинг ўрнини тўғри тушунтира билса, ёш оила кундан-кун мустаҳкамланиб, илдиз ёйиб бораверади. Бир даврада қўлоғимга яхши бир гап чалиниб қолди: "Ўғил зардали бўлса, келин пардали бўлади". Бу гапнинг маъносида ўғилнинг юзидан, сўзидан заҳар томиб турсин деган гап йўқ, аксинча йигит кишининг оиладаги ўрни қатъий қилиб белгилаб қўйилган.

Ўғлимиз ва қизимизнинг бахти нафақат бизнинг, балки жамиятимизнинг ҳам бахтидир. Тинч-тотув оилаларда яратиш, барака ва тўғри гап бўлади. Шундай экан, оила масъулиятидан четда турсак, ютқазамиз.

Олам турфа

ХОҲ ИШОНИНГ, ХОҲ...

ЧехословакиЯНИНГ Пардубице шаҳри фуқароси Веслав Сцепура кечки пайт Арно лақабли овчарка ити билан кўчада сайр қилиб юрарди. Тўсатдан тўрт безори унга ҳужум қилиб қолишди.

Сцепура тезда итни қўйиб юборди-да, чўнтагидан сигарет қутисига ўхшаш нарсани олиб тугмасини босди. Шундан кейин Арно худди буйруқ олгандек, безориларнинг бирига ташланиб, бир зумда ерга ағдарди. Орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас қолган уч киши ҳам худди шу усулда ерга чўзилтирилди. Жуда ақлли ит экан, деб ўйларсиз? Йўқ, шошилманг. Маълум бўлишича, Арно — бу электрон робот бўлиб, эгасини ҳимоя қилиш учун мўлжалланган. Бу ғаройиб "ҳимоячи"ни синовдан ўтказиш учун Сцепурага Япония электрон фирмаларидан бири бериб турган экан.

"ТЭТА" — ШОВҚИНГА ҚАРШИ

Покистондаги мусиқа асбоблари ишлаб чиқарадиган фирмалардан бири япониялик муҳандис-электроннилар билан ҳамкорликда шовқинга қарши қурилма яратдилар.

"ТЭТА-2" деб аталган бу қурилма фирма ишлаб чиқараётган ҳар қандай мусиқа асбобига ўрнатилади. Мабодо, ижрочилар овозни кучайтириб юборсалар "ТЭТА-2" одам овозида: "Илтимос, сал пастроқ!" дея огоҳлантиради. Бу огоҳлантириш 5-10 сония ичида икки-уч бор такрорланади. Агар бу ёрдам бермаса, махсус реле мусиқани дарҳол узиб қўяди.

ҲИДСИЗ САРИМСОҚ

Японияда харидорларга ажойиб маҳсулот — "доктор Сайқи"нинг саримсоғини таклиф қилишмоқда. Бу саримсоқ кўриниши-дан ҳам, мазасидан ҳам оддий саримсоқлардан фарқ қилмайди, аммо унинг ҳиди йўқ.

Бу янги гибридни ўстириш технологиясини "Санко" ва "Мицун" компаниялари ишлаб чиқдилар. Уни тайёрлаш жараёни оддий: саримсоқ бўлаклари 2-3 кун махсус кислотали қоришмага солиб қўйилади ва олиб қуритилади. Бу билан оғизда нохуш ҳид қолдирадиган энзималар қирилиб кетади, аммо саримсоқнинг мазасига ва сифатига ҳеч қандай таъсир бўлмайди.

М.ИСЛОМОВА
тайёрлади.

Навоий вилояти

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Навоий шаҳридаги 1- Меҳрибонлик уйи директори Бибигул опа Ўриновани ҳамшаҳарлари меҳрибон аёл, ташаббускор раҳбар сифатида танишади. Унинг фаолиятидаги ютуқлар ҳатто Республика миқёсида ҳам эътироф этилди. У Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги арафасида "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

СУРАТДА: Бибигул Ўринова Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари даврасида.

Эл корига яраганлар

Хоразм вилояти

"МАДОННА" — МАҲАЛЛАДОШЛАРГА МАДАДКОР

Тадбиркор ва ташаббускор аёл Бекпошша Қозоқова Хонқа тумани аҳли орасида катта ҳурмат қозонган. Бу бекорга эмас албатта:

Айниқса, маҳаллаларда истиқомат қилувчи кам таъминланган оилалар, эҳтиёжманд инсонларнинг унга ҳурмати баланд. У бундан етти йил муқаддам туман ҳудудида "Мадонна" ишлаб чиқариш ва савдо-тижорат фирмасини ташкил қилиб, фуқаролар эҳтиёжи учун зарур бўлган турли кийим-кечак маҳсулотлари, кўрпа-тўшак, ёстиқ, уларнинг жилдлари, дарпардалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эди. Тадбиркор бошлаган бу хайрли иш тез орада ўз самарасини кўрсатди. Хазорасп, Урганч туманларида фирманинг филиаллари ҳам очилди. Эътиборли томони, Бекпошша ўз тадбиркорлиги билан орттираётган даромадининг, бир қисмини хайрли ишларга ажратади. Яқинда у ҳудуддаги қаровчиси бўлмаган кекса ва ногиронларга ўз уйидан жой берди. Ҳозирда тадбиркор уларга ҳар томонлама кўмак беришга ҳаракат қилаяпти. Қолаверса, у туман тадбиркор аёллар уюшмасига раҳбар сифатида ҳам юртимизда аёллар манфаатини ҳимоя қилиш, давлат ва жамият ишларида уларнинг фаоллигини ошириш ва кенг шарт-шароитлар яратиб бериш йўлида ҳам жонбозлик кўрсатаяпти.

Ифтихор

ХОРАЗМЛИК ТАЛАБА — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

...Алишер бирин-кетин ўн рақибини енгиб, сўнгги марра — финалда бразилиялик номдор полвон билан гиламга чиқди. Қизғин баҳс остида бошланган белашувнинг дастлабки дақиқаларида ҳамюртимиз рақибининг курагини ерга текказишига муваффақ бўлди.

Бу беллашувни бевосита кураш майдонининг ўзидан ёхуд телеэкран орқали томоша қилиш имконига эга бўлган юртдошларимиз ўзбек ўғлонининг ушбу ғалабасидан беҳад қувонганлари, шубҳасиз.

Ҳа, Урганч Давлат университетининг жисмоний тарбия ва маданият факультети талабаси Алишер Қуриёзов халқимизга ана шундай катта ғалабани инъом этди. У яқинда Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида миллий кураш бўйича ёшлар ўртасида Амир Темур хотирасига бағишлаб Президентимиз соврини учун ўтказилган IV Халқаро мусобақада жаҳон чемпиони шарафига сазовор бўлди. Шу кунларда талаба полвон янги мусобақаларга жиддий тайёргарлик кўрмоқда.

А.САФОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Бухоро вилояти

Юрт довруғини оламга ёйганлар

ПОЛВОНДАН ПАҲЛАВОННИНГ ФАРҚИ БОР!..

Чойхонадаги ўзаро гурунгда машҳур паҳлавон Собир Қурбоновдан, "полвон" билан "паҳлавон"нинг фарқи нимада, деб сўрадим...

— Менимча, ҳеч қандай фарқи йўқ, — дея Собир ака елка қисди. Лекин бу саволга менинг ўзимдан жавоб кутаётганини нигоҳидан уқдим. Суҳбатимиз давом этди:

— Афсонавий Рустамлар, Гўрўғлилар, Алпомишлар паҳлавон бўлишган. Сиз ўшалар сирасига кирасиз. Кечагина спорт устаси бўлган курашчи ҳам, сизнинг қаторингизда паҳлавон саналавериши, бироз ўринсиз. Улар полвон дейиларди. Жаҳон паҳлавонлари билан олишувларда қоматини тик тутиб гиламдан чиққанлар паҳлавон! Халқининг, юртининг шаънини оламга ёйганлар паҳлавон! Сиз Бухородан чиққан биринчи паҳлавонсиз! Сиздан сўнг Шуҳрат, Акобир, Камол, Фарҳод, Рауф, Ҳасан, Ботирлар ҳам ўз вазнларида жаҳон чемпионлари бўлишди. Демак, уларнинг ҳам дунё паҳлавонлари қаторида ўрни бор.

— Ундай бўлса, бухоролик паҳлавонлар ҳам ўнтача бўлиб қолибди-ку, — деди Собир Қурбонов ички шиддат келганидан икки кафтини бир-бирига ишқалаганча завқ туйиб.

— Ишонтириб айтаман, биттаси ҳозирнинг ўзидаёқ тайёр. Жаҳон микёсидаги битта нуфузли мусобақага чақирилса бас. Гиламнинг чеккасида юришни ор биладиган полвон у. Ушлаганини узадиган вақти ҳозир...

Ўшанда гап Рамзиддин Саидов ҳақида бораётганди.

Узун бўйли, ихчам гавдали, мовий кўзлари ўткир боқувчи Рамзиддиннинг қиёфаси кўз олдимга келди. Мухлислари уни эркалаб, РАМЗ дейдилар. Мен уни илк бор Олот туманидаги ихтисослаштирилган кураш мактабида таниқли мураббий Рустам Тўраев ҳузурида кўргандим.

— Рақибга ҳадиксиз тик бориши менга ёқарди, — дейди машҳур мураббий Рамзнинг кураш усуллари ҳақида гапириб. — Полвонман дегани ғалабанинг ҳалолига интилиши керак. Яна бир гап бор. Ёшликнинг баъзи бир тошқин эҳтиросларини ҳам жиловлай билиш лозим. Акс ҳолда, бир сонияда ўз ёғингга ўзинг қоврилиб қоласан.

Рамзиддиннинг курашини кўришни ният қилдим.

73 килограмм жуда курашбоп вазн ҳисобланади. Аммо ўта кучлилар, эпчил, чаққон полвонлар кўп бўлади бу вазнда.

Рамзиддин Саидов "Универсиада — 2002"да ёмон олишмади, бронза медалини қўлга киритди. Аммо бу кўрсаткичдан сира қониқмади.

Орадан икки-уч ой ўтиб, Рамзиддиннинг Ереванда ўтадиган Жаҳон чемпионатига йўл олганини эшитдим.

Рамзиддин Жаҳон чемпионатидан кумуш медаль билан қайтди. Бронза, кумуш... навбат олтин медалга эди. 2002 йил адоғида Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида Иккинчи Осиё чемпионати бўлиб ўтди. 73 килограмм вазнда Ўзбекистон терма жамоаси сафида Рамзиддин Саидов олишди. Дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келган паҳлавонлар бир-бирларига сездирмай Гангадан мадад сўрадилар. Паҳлавонлар юрти вакили Рамзиддин полвон эса бу мададни она Бухородан, полвонлар пири саналмиш Паҳлавон Маҳмуд руҳидан сўради, Деҳли кураши ҳақиқий йўлбарслар жангига ўхшади. Ўз юртларининг мана-мен деган ўғлонлари наъра тортиб олишишди.

Мана ўша кутилган финал олишуви!

Кураш олдидан Рамзиддинга зўрзўр омадлар тиланди. Энг зўр гапни Ўзбекистон кураш федерацияси раиси Комил Юсупов айтди.

— Исмингнинг ўзагига қара — Рамз, бугун сен ўзбек курашининг рамзи бўлишинг керак. Ишониб турибмиз, кутиб турибмиз.

Ниҳоят Рамз биринчи олтин медални қўлга киритди, Ганга водийси узра унинг шарафига Ватан мадрҳияси янгради.

Рамзиддин Саидов ҳали ёш. Ёш бўлса-да, номдор паҳлавонлар қаторига кирди. Кўз тегмасин.

Дилмурод ЖАББОР
"Mahalla" мухбири.

Ҳурматли обуначилар!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календари штампели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганлиги, пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

Бугун бўлмаса ҚАЧОН?!

Азиз муштарий!
2005 йил учун «Mahalla»га обуна бўлишга ҳали эрта деб ўйламанг. Бугун — обунанинг айни вақти.

Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллиги олдидан

“БИЗНИНГ МОЛУ ДУНЁМИЗ ФУҚАРО УЧУНДИР...”

Убайдулла УВАТОВ,
тарих фанлари доктори.

Хожа Аҳрор Валийнинг ибратли ҳаёти, ижтимоий ва маънавий йўналишдаги жўшқин фаолиятини кузатар эканмиз, энг аввало, унда етти ўлчаб бир кесадиган шарқона донишмандлик ва теран исломий тафаккур бекаму кўст мужассам бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Лекин таассуф билан айтиш керакки, узоқ йиллар, айниқса, шўро тузуми даврида кўп буюк аждодларимиз қатори унинг шахсияти ва фаолиятига ҳам салбий муносабат билдирилиб келинди.

Бутун умри давомида эл-юрт ва халқнинг манфаати йўлида кўплаб савоб ва хайрли ишларни қилиб келган бу инсонпарвар шахсга нисбатан “ашаддий жаҳолатпараст”, “ҳур фикрни бўғувчи”, “маърифат душмани”, “ўтакетган реакционер” каби туҳматомуз тамғалар босилди.

Нақшбандия тариқатининг асосий қоидаси “даст бә кору дил ба ёр” (қўлинг меҳнатда, қалбинг Аллоҳ билан бўлсин) шиори унинг ҳаёт тарзига айланган эди. Хожа Аҳрор деҳқончилик ва тижорат соҳасидаги тадбиркорлик, ишбилармонлик салоҳияти ва иқтидори туфайли ўз даврининг йирик мулкдорларидан бири сифатида ҳам шуҳрат қозонган. У тижорат аҳлига раҳнамолик кўрсатиб, бутун Мовароуннаҳрда ички савдо, қолаверса, Шарқий Туркистон, Хуросон ва Кичик Осиё билан ташқи савдонинг ривожланишига ҳам салмоқли ҳисса қўшган. Ўз тасарруфидаги беҳисоб бойликларини кўплаб диний ва маданий иншоотлар, жумладан, Самарқанд, Тошкент, Қобул каби шаҳарларда мадрасалар, қорхоналар қурилишига сарфлаб, қолаверса, ҳожатманд инсонларга ва оилаларга муттасил равишда ёрдам кўрсатиб, ўз меҳр-мурувватини аямаган. У “Бизнинг молу дунёмиз фуқаро учундир” деган шиорга умр бўйи амал қилган. Жамиятда тутган юксак мавқеидан фойдаланиб, тожтахт учун курашган шаҳзодалар ўртасидаги низоларни тинчлик йўли билан, сулҳ билан бартараф қилган, мамлакатда осойишталикни ўрнатишга қаратилган сиёсий фаолияти бутун умри бўйи давом этган. Хожа Аҳрор Валий 1490 йилда вафот этган ва Самарқандда дафн этилган.

Тадқиқотларда ёзилишича, бизгача Хожа Аҳрор Валийнинг учта рисоласи етиб келган. Улардан бири “Фақарот ул-орифин” (“Орифлар сўзларидан парчалар”) номи билан машҳур бўлиб, унда Хожа Аҳрор Валий ва бошқа баъзи мутасаввуфларнинг тариқатга оид фикрларидан намуналар келтирилган. Ўз отаси Хожа Маҳмуд илтимосига биноан ёзган бошқа бир рисоласини “Волидиййа” (“Отага бағишлов”) деб атаган. Унда тариқат йўлига кирган кишининг ахлоқ-одоби, фақр ва фано истилоҳлари ҳақида тушунчалар берилган. Бу рисола ўз даврида кенг шуҳрат қозониб, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоийдек буюк мутафаккирлар ҳам унга муносиб баҳо берганлар. Заҳириддин Муҳаммад Бобур эса бу рисолани форсийдан ўзбек тилига назмий услубда таржима қилган. Бу таржима 1991 йили Тошкентда “Ёзувчи” нашриётида чоп этилган. Бу рисола 2004 йили шарқшунослар Маҳмуд Ҳасаний ва Дилдора Ражабова томонидан форс тилидан таржима қилиниб, Тошкентда “Янги аср авлоди” нашриётида нашр қилинди. Учинчи рисола “Ҳавроиййа” деб номланган бўлиб, ўн биринчи асрнинг машҳур мутасаввуф шоири Абу Саид Абдулхайрнинг “Ҳавро” (“Ҳур парилар” ёки “Фаришталар”) сўзи билан бошланувчи бир рубоийсини шарҳлашга бағишланган.

Бу рисолалардан ташқари Хожа Аҳрор Валийнинг ўз нуфузли замондошларига йўллаган анчагина руқъа — мактублари ҳам бизгача етиб келганки, улар ҳазратнинг ўз даври ижтимоий, сиёсий ва маънавий ҳаётида тутган ўрнини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Мавриди келганда айтиш керакки, узоқ йиллар тинимсиз изланишлари натижасида тарих фанлари доктори А.Ўринбоев томонидан ушбу номаларнинг русча таржимаси тайёрланган эди. Америкалик олима, Нью-Жерси университетининг профессори Жо Энн Гросс билан А.Ўринбоев ҳамкорлигида бу номалар инглиз тилига ўгирилиб, “Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг хатлари ва унинг муридлари” номи билан 2002 йилда Голландиянинг бутун дунёга машҳур “Брилл” нашриётида чоп этилган.



МУНАЖЖИМЛАР МАЪЛУМОТИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Шу кунларда қатиқ изтиробда қолишни истамасангиз, бизнес ҳамкорларингиз ва турмуш ўртоғингиз билан тортишманг.

СИГИР(22.04-20.05)

Яқин кунларда фақат соғлиғингиз билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш билан машғул бўлишга мажбурсиз.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)

Арзон-гаровга буюм ёки жиҳоз сотиб олиш ҳақидаги ниятингиздан қайтмасангиз, кўзбўямачилар чангалида пулингиз ва асабингиз бекорга сарф бўлади.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)

Атрофингиздаги кишилар ва оила аъзоларингизнинг дўстона муносабатлари сизни яхши ишларга илҳомлантиради.

АРСЛОН (23.07-22.08)

"Бошқалар учун таъқиқланган нарсалар менга мумкин" деган фикр сизга яқин кунларда катта ва кўнгилсиз ташвишлар келтириши мумкин.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Молиявий-тижоратга оид юмушларни ва учрашувларни бироз муддатга ортга сурсангиз бўлди, қолган ишларингиз жойида бўлади.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Оила аъзоларингизнинг харҳашаси ва рўзғор ташвишлари билан боғлиқ муаммолар сизни катта харжга қўйиши эҳтимолдан йироқмас.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Яширин душманларингиз кутилмаганда, лекин таъсир кучи залворли зарба беришлари мумкин. Руҳий толиқиш туфайли ҳолдан тоясиз.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Агар айрим дўстларингиз билан бирданига пачакилашиб қолишингизни ҳисобга олинмаса, яқин кунларни осуда ва хотиржам ўтказасиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Ўз фикрингизда қатъий турсангиз ва бошқаларнинг таъсирига бўйсунмасангиз, режалаштирган ишларингиз бароридан келади.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Кузнинг ўзгарувчан об-ҳавосига бепарволигингиз туфайли хасталаниб қолишингиз эҳтимолдан йироқ эмас. Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Дам олиш кунлари бирон нарса харид қилишни ўйлаган бўлсангиз, хушёрроқ бўлинг: хийлагар фирибгарнинг тузоғига илинишингиз ҳам мумкин.

АЙЎСТАЛАР...



Ним кулги

Саъдулла СИЁЕВ

“АЛПОМИШНИНГ ЭНАСИ...”

Мастон холанинг уйи бузилди. Дўппидек бўлсада, шаҳар марказида ҳовлиси бор эди. Қирқ йиллик қўшнилари билан тиллашиб, тўртта товуғига, Ҳасан чолига қараб умр кечириб юрган эди. Бир куни маҳалланинг каттаси кириб айтди "Бу ердан катта йўл ўтармиш. Шунга йигирма чоғлик хонадон бузилармиш." Чолу кампир нима ҳам дерди? Кўпчиликка келган тўй, беватан кўчада қолмасмиз, дейишди.

Ҳаш-паш дегунча кампир келин бўлиб тушган ҳовли теп-текис бўлди. Кўп қаватли уйлардан чол-кампирга икки хоналик шинам уй беришди. Мастон хола қишда кўмир, ёзда ёғоч ёқиб овқат пиширишдан, ҳовли супуриб, қор курашдан қутилдию... бироқ кўп ўтмай зерика бошлади. Бу “дом” деганида одам бекорчиликдан ўлиб қолар экан. Кампир ўйлаб-ўйлаб, бозорга чиқмоқчи бўлди. Чоли эски ҳовлиси бузилганида ҳар хил темир-терсаклардан йиғиб қўйган эди. Мастон хола кичкина аравасига ўша темирларни орти-ю, бозорга йўрғалади. Аввало, эрмак, бозорда одамларни кўриб, ҳовури босилади. Қолаверса, ҳарна бир сўм бўлсада, рўзғорга ёрдам.

Ана, бизнинг кампиримиз ёйма бозорга кираверишда керилиб ўтирибди. Олдидаги сувқоғозга буюмларини ёйиб қўйган. Улар орасида бир-бир ярим қулоч келадиган арматурагача бор.

Шу пайт Мастон холанинг олдига бир полвон йигит келди.

— Хола, мана бу симингизга қанча сўрайсиз? — деди бир метр келадиган арматурани қўлига олиб. Кампир бундан оғринган бўлди:

— Яхшилаб қара, болам. Бу сим эмас, темир тайёқча. Арматур дейди. Ўқловдай келадиган темирни сим дейсан-а, болам?

— Биз учун сим-да бу, эна, биз Алпомиш авлодимиз, — деди кулиб полвон йигит ва битта арматурани зуваладай қилиб эгиб ўйнай бошлади. Кампир норози бўлди.

— Кўрдик, билагингда кучинг бор экан, — деди хола. — Аммо бу савилни оладиган бўлсанг майиштиргин-да, болам. Олмасанг, молимни бузиб нима қиласан?

Кампир йигитнинг қўлидан темир таёқчани олди-да, енгил ҳаракат билан уни тўғрилади ва олдидаги сувқоғозга ташлади. Буни кўриб, полвоннинг кўзи чиқиб кетди.

— Ие, момой, сиз Алпомишнинг энаси экансиз, тавба қилдик, — деди-да, ҳамма темир-терсакни йиғиштириб, кампирнинг айтганидан икки ҳисса кўп пул тўлаб жўнаб қолди...

Ўт балосидан сақланинг!

Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига мувофиқ шу йил 10 ноябрдан мамлакатимизда ёнғин хавфсизлиги ойлиги бошланди.10 декабргача давом этадиган мазкур тадбир муносабати билан шаҳарлар, туманлар, аҳоли пунктларида ва халқ хўжалиги объектларида ёнғин хавфсизлиги чораларини кучайтириш борасида турли тадбирлар амалга оширилади.

ОФАТГА ҚАРШИ ОҚИЛОНА ЙЎЛ

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан ушбу долзарб вазифалар ижросини таъминлаш ишларига анча олдинроқ киришилган эди. Хусусан, 2002-2003 йиллар давомида Наманган вилоятининг Косонсой, Самарқанд вилоятининг Тойлоқ, Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманларида ёнғин хавсизлиги қисмлари бинолари қурилиб фойдаланишга топширилди. Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида, Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани Маржонбулоқ қишлоғида ва Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳридаги ана шундай бинолар ИИБ ЁХБ балансларига бепул ўтказиб берилди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан ёнғин хавфсизлиги қисмлари учун бино ва иншоотлар ажратиш, моддий техника базасини мустаҳкамлаш ва шахсий таркибнинг жанговорлигини ошириш мақсадида Навбаҳор, Навоий, Наманган, Мингбулоқ, Охунбобоев туманларида ҳамда Поп ва Хива шаҳарларида ёнғин хавфсизлиги қисмлари бинолари учун ер майдонлари ажратилди.

Ёнғин хавфсизлиги ойлигининг энг муҳим мақсади аҳолига, айниқса қишда электр, иситиш жиҳозларидан эҳтиёт бўлиб фойдаланишни янада кенгроқ тушунтиришдан иборат. Зеро, ўзбошимчалик билан қўлбола ва носоз электр асбобларини ишлатиш хунук оқибатларга олиб келади.

Ўтган даврдаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, ёнғин ҳодисаларининг етмиш фоизидан кўпроғи фуқаролар уй-жойларида юз бермоқда. Бунга носоз мосламаларни ишлатувчи, боз устига уларни назоратсиз қолдирувчи фуқаролар айбдордир.

Шундай экан, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш муайян ташкилотнинг вазифаси ёки мавсумий тадбир бўлиб қолмаслиги, балки ҳар биримизнинг кундалик ишимизга айланиши зарур!

Аъзам РАҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББ бўлим бошлиғи.

Диққат: обуна!

Халқ донишмандлиги, маҳалла иши намунаси отахон ва онахонлар ҳаёт тажрибаси ойинаси, сизнинг содиқ йўлдошингиз — Mahalla дир.

NOTE

Ҳурматли обуначилар! Ушбу квитанцияни обуна жараёнида сиз учун қулайлик яратиш мақсадида чоп этмокдамиз. Квитанция варақасини қирқиб олиб ва уни тўлдириб, матбуот тарқатиш ёки алоқа бўлимида обунани расмийлаштиришингиз мумкин.

Ф. МТ-1

Mahalla газета / журнал — 148 (нашр кўрсаткичи)

(нашр номи) | Комплектлар сони

йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (Манзилгоҳ)

Кимга (фамилияси, исми ва отасининг исми)

п.в. | жойи — НАШРНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ 148 (нашр кўрсаткичи)

Mahalla (нашр номи)

Обуна баҳоси _____ сўм | Комплектлар сони

_____ йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (Манзилгоҳ)

Кимга (фамилияси, исми ва отасининг исми)

ЭЪЛОНЛАР...

Тошкент шаҳар Яккасарой туман ҳокимлиги томонидан рўйхатга олинган “Ўқувчи ва ёшларни меҳнатга ва касбга йўналтириш” маркази тугатилади, даъволар икки ой ичида қабул қилинади. Тел: 53-51-60

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги “M.AHMAD” хусусий фирмаси “M.AHMAD” масъулияти чекланган жамиятга айлантирилмоқда. Даъволар эълон чоп этилган санадан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади. Тел: 185-67-99

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан Тажиддинов Додажон Собирович номига 16.06.2003 йилда АТ 0124411 рақамли лицензияга берилган АТ 0366565 рақамли карточка йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

ДП “BSO RADUGA” Юнусабадского района г. Ташкента преобразуется в ООО “BSO RADUGA”. Претензии принимаются в течении 2 месяцев по тел: 139-48-87

Mahalla

Бош муҳаррир: ЧОРИ ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Расул РАҲМОНОВ, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таънаберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

6354 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-125 \ Топширилди — 12345